



АЗИМОВА Лола,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси доценти,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ГУМАНИСТИЧЕСКИХ ИДЕЙ В УЗБЕКСКОЙ КЛАССИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

ARTISTIC INTERPRETATION OF HUMANISTIC IDEAS IN UZBEK CLASSICAL LITERATURE

Аннотация. Мақолада эзгулик, поклик, инсонийлик, бунёдкорликка йўғрилган юксак ғоялар ўзбек мумтоз адабиётида образлар ва тимсоллар воситасида бадий ижоддаги талқини масаласи Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машираб каби ижодкорларнинг лирик меросидан парчалар олинган ҳолда таҳлилга тортилган. Шунингдек, мумтоз ижодкорларнинг адабий меросида эзгулик ғоялари тасаввуфий тушунча ва мажозий образлар уйғунлигида бадий ёритилиши таҳлиллари ҳамда умумлашма фикрлар орқали очиқ берилган.

Таянч сўзлар: ғоя, образ, эзгулик, маънавият, маърифат, бадийлик, инсонийлик, ахлоқийлик, камолот, мерос, ижодкор, тинчликсеварлик.

Резюме. В данной статье осуществляется анализ интерпретации идей доброты, чистоты, гуманности и творчества в узбекской классической литературе. Исследование проводится через призму образов и символов, использованных в произведениях, с анализом отрывков из лирического наследия таких авторов, как Юсуф Хос Ходжиб, Ахмад

Яссави, Алишер Навои, Софи Оллоёр, Бобораҳим Машираб. Также проводится анализ и обобщение художественной интерпретации исламских идей в контексте мистических концепций и образной символики в литературном наследии классиков.

Ключевые слова: идея, образ, добро, духовность, просвещение, артистизм, человечность, мораль, зрелость, наследие, созидательное, мирное.

Abstract. The article explores the interpretation of ideas such as goodness, purity, humanity, and creativity within Uzbek classical literature, analyzed through the use of images and symbols in artistic works. It includes excerpts from the lyrical heritage of poets like Yusuf Khos Hajib, Ahmad Yassawi, Alisher Navoi, Soft Olloyor, and Boborahim Mashrab. Furthermore, the paper reveals how these classical artists' literary legacies artistically interpret Islamic ideas in alignment with mystical concepts and figurative imagery, through detailed analyses and generalizations.

Key words: idea, image, goodness, spirituality, enlightenment, artistry, humanity, morality, maturity, heritage, creative, peaceful.

КИРИШ

Бадий ижоднинг эзгуликка йўғрилган юксак ғоялари ҳамиша инсонийлик гултожи, маънавий камолотнинг негизи бўлиб келган. Ҳақ ва ҳақиқат масалалари бадий ижоднинг ҳам мислсиз юксак ғоялари сифатида инсон камолотига, тафаккур оламининг бойишига, ахлоқий фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилган. Тафсир, ҳадис, калом, фикҳ, тасаввуф каби ислом илмларида ғоялар ўзининг илмий-назарий асосини топган бўлса, бадий ижодда инсонийликка йўғрилган юксак ғоялар шахс камолоти, комил инсон сифатларида амалий аҳамият касб этган. Шу жиҳатдан, комил инсон ғоясини илгари сурган тасаввуф таълимоти бадий ижодда янада юксак босқичга етганлигини мутасаввиф алломалар ижоди, амалий фаолияти орқали англаш, билиш мумкин. Бинобарин мумтоз адабиётни тасаввуф таълимотининг тушунча ва ғояларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Яъни тасаввуфий тушунчалар бадий ижодда тимсол ва образ сифатида мажозийлик касб этиб, бир бутун комил инсон, комиллик ғояларини илгари суришга хизмат қилган. Хусусан ўзбек мумтоз адиблардан Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Аҳмад Яссавий, Носириддин Рабғузӣй, Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машираб,

Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Хўжаназар Ҳувайдо, Увайсий, Нодира ва бошқа кўплаб ижодкорлар меросида инсонпарварлик ғояларининг юксак намунаси бўлган инсоний поклик, тинчликсеварлик, эзгулик сари руҳий интилиш, риёзат чекиш орқали камолга етиш, инсоний сифатларни эгаллаб, комиллик касб этиш ва энг муҳими, Яратганга “муҳаббат”, “ошиқлик” орқали хос банда бўлиш каби ғоялар тарғиб этилганлигини кўриш мумкин. Шу маънода, мумтоз адиблар ижодида Ҳақ ва ҳақиқат масалалари бадий мушоҳада, самимий туйғулар асосида талқин этилиши асрлар давомида халқ тафаккур оламида бойитишга, маънавий-ахлоқий жиҳатларни шаклланишига хизмат қилган. Бундан кўринадики, мумтоз адабиёт – исломнинг шахс камолотида, инсонийлик, поклик, руҳий баркамолликка йўғрилган юксак ғояларини бадий мушоҳада, тафаккурий образлар воситасида тарғиб этувчи маърифат сарчашмаси, дейиш мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

XI асрда яшаб ижод этган Юсуф Хос Ҳожиб ижодида, хусусан “Қутадғу билим” (“Бахтга элтувчи билим”) асарида мажозий образлар орқали инсон ва жамият мутаносиблиги ҳақидаги фалсафий ғоялар илгари сурилган. Асар ўз номи, мазмун-моҳияти билан бахтга, саодатга, яхшиликка етакловчи билим, “маърифат комусномаси” эканлигини англаш мумкин. Асарда Кунтуғди (адолат), Ойтўлди (давлат), Ўғдулмиш (ақл) ва Ўзғурмиш (қаноат) [1] тимсолларининг рамзий талқини воситасида тириклик моҳияти, умрнинг мазмуни ҳақидаги адабий-фалсафий қарашлари ислом динининг ахлоқийлик, поклик, эзулик, тинчликсеварлик, адолатпарварлик тарғиби сифатида амалий аҳамият касб этганлигини кўриш мумкин. Аслида, адиб қаламга олган рамзий образлар ислом маънавиятининг “бош тимсоллари”дир. Ижодкор бадий талқини ҳам шу ёндашувдан келиб чиқиб, таҳлил этилган, фалсафий мушоҳадага тортилган.

Шунингдек, адиб панд-насихатли тўртликларида инсоний фазилатлардан бўлмиш ота-онани ҳурмат қилиш, илму адабни бўлиш, вафо, садоқат, оқиллик сифатларини эгаллаш, энг муҳими, инсонийлик асосида яшаш, ибратли

умр кечириш ғояларини илгари сурган. Хусусан тўртликларидан бирида ёзади:

Кишилар аро чин киши шул эрур,
Ки ундан одамлар талай наф кўрур.
Нафи йўқ кишидир кишилар шўри,
Нафи бордан эл-юрт ками ҳам тўлуру [2:73].

Кўринадики, одамларга яхшиликни илинадиган, эзгу ишлари ила манфаат етказадиган инсон ҳақиқий, асл инсон эканлиги таъкидланган. Чунки моддий ёки маънавий етказилаётган наф ёки фойда юрт, халқ ва жамиятда барқарорлик, осудалик, фаровонликни қарор топтиришга хизмат қилган. Том маънода, ўзгаларга нафи тегадиган инсон ҳақиқий саховат эгаси, қалби юрт, халқ, инсонлар муҳаббати билан тўлиб тошган баркамол инсондир, дейди. Ижодкор фалсафий қарашлари, ёндашувлари орқали жамият ривожини йўлида инсонийлик фазилатларига эга ҳақиқий, чин инсонлар муҳим эканлигини таъкидлаган ва образлар талқини воситасида шундай бўлишга чақирган.

XII асрда яшаган туркийғўй ижодкор Аҳмад Яссавий ҳам ўз тариқати орқали шариат илми асосларини пир-муридлик муносабатлари воситасида амалий ифодалаган бўлса, бадий ижодда эса, исломнинг эзгуликка йўғрилган тушунчаларини насихатомуз ҳикматлар воситасида илгари сурган. Хусусан мутасаввиф адиб ҳикматларида ёзади:

Ҳақ субҳидам нидо қилди қулоғимга,
Зикр айт деди, зикрин айтиб юрдим мано.
Ишқсизларни кўрдим эрса йўлда қолди,
Ул сабабдин ишқ дўконин кўрдим мано [3:110].

Бундан кўринадики, Яссавий ҳикматларида, ҳақиқий, етук инсон бу Ҳақдан насиба етган, валий инсон сифатида гавдаланади. Ижодкор эзуликларнинг асоси сифатида ишқ, ошиқлик, муҳаббат, деб билади. Ишқи бор инсонда зикр, шукр, сабр, вафо, ишонч каби юксак фазилатлар мужассам бўлади. Ишқи йўқ инсон бу сифатлардан мосуво инсондир, дейди. Ошиқ адиб инсонларни тафтиш қилар экан, ишқсиз инсонлар, яъни дунё хирсига асир бўлган инсонларни кўрганлигини бадий-лисоний тил билан мазаммат қилган ҳолда муҳаббатга йўғрилган “ишқ дўконини” қуришга аҳд қилади. Чунки Ҳақ муҳаббатига ошиқ ишқ соҳиблари эзгулик, поклик, руҳий таскинлик

сифатлари билан тўлиб тошган инсонлардир. Шу ўринда, тасаввуф назариётчиларидан бири бўлган Мустамлий Бухорийнинг муҳаббат, ишқ ҳақидаги фалсафий қарашларини келтириб ўтиш ўринлидир. Аллома “Шарҳ ат-Таъруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф” (“Тасаввуф йўли билан танишув” асарига шарҳ”) асарида муҳаббат ҳақида қуйидаги фикрларни илгари сурган эди: “...Муҳаббат йўқ жойда маърифат ҳам бўлмайди. Маърифат бўлмаган жойда эса, иймон ҳам йўқдир” [4:149], дейди. Муҳаббат деганда, илоҳий муҳаббатга олиб борадиган барча эзгу фазилатларга эга бўлиш назарда тутилган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур қараш мутасаввиф алломалар ижодининг асосини ташкил этган. Албатта, яхши сифатларга эга бўлган инсонда маърифат, яъни билим бўлади. Бу ўринда, маърифат тушунчасини мукамал даражада Аллоҳни билиш, таниш, унга муносиб банда бўлиш сифатида баҳолаш мумкин. Аллоҳни билим орқали англаган инсонда иймон, яъни Яратганга бўлган ишонч бўлади. Иймонли инсонлар эса, ҳамиша яхши ишлар, хайрли амаллар қилиш учун интилади. Шунингдек, инсонга хос ва эгаллаши лозим бўлган сифатларни ҳамда ҳақиқий, чин маънодаги банда бўлиш борасидаги фикрлар шариат аҳкомлари, ақида масалалари, тавҳид ғояси орқали изоҳланганлигини кўриш мумкин. Хусусан шукр қилиш борасида “Банда тоат чоғида, ўз тоатини эмас, балки Худо берган неъматини кўриб, унга шукр келтириши керак. ...Банда тинимсиз шукр қилса, Ҳақ унга тинимсиз неъмат беради” [4:169], дейди. Бу билан, Аллоҳ берган ҳар бир нарсага, у хоҳ моддий ёки маънавий бўлсин, Яратганнинг чексиз инъоми сифатида қабул қилиши, рози бўлган ҳолда шукр этиши кераклигини айтади. Шукр ҳам бир ибодат эканлигини, бунинг кетидан чексиз неъматларга эришишини, Ҳақнинг розилигига муяссар бўлган ҳолда суюкли бандасига айланишини фалсафий мушоҳадалар орқали изоҳлаган.

Эзгуликка, яхшиликка, бунёдкорликка чорловни содда ва самимий туйғулар воситасидаги бадий ифодасини Яссавий билан замондош ва айни пайтда маслакдош бўлган Ҳожагон тариқати асосчиси Абдуҳолиқ Ғиждувоний меросида, хусусан унинг “Васиятнома” рисоласида ҳам кўриш мумкин.

Аллома асарида: “Эй, фарзанд! Мен сенга барча ҳолатларда илм, адаб ва тақвода бўлишингни васият қиламан! Ўтган уламоларнинг изидан юришинг лозим. Аҳли суннат ва жамоатнинг мулозими бўл!” [5:25], дея комиллик ва етукликка чорлайди. Чунки “илм, адаб, тақво” каби сифатларга эга бўлиш жамият ва инсон учун маънавий етукликнинг бош мезони саналади. Шунингдек, аллома қарашларида халқ билан бўлиш, касб-ҳунар орқали инсонларга манфаат етказиш, эзгулик қилиш ғояси илгари сурилади. Чунончи: “Халқ оғирини енгиллатиш лозим, бу муяссар бўлмаганда ҳалол касб-ҳунар эгаллаб, даст ба кор ва дил ба ёр ҳолатида бўлмоқлик амри муқаррар турар”, дейди. Бундан ташқари, васиятларида илмли, одобли, тақволи бўлиш, фикҳ, ҳадис илмларини эгаллаш, уламолар изидан юриш, мансабга қаттиқ боғланмаслик, ҳалол ейиш, машҳурликка интилмаслик, кам гапириш, кам еб-ичиш ва кам ухлаш, кўп кулмаслик, ташқи кўринишга ортиқча оро бермаслик, ҳеч кимдан тамаъ қилмаслик, халқ билан талашиб-тортишмаслик, бировларга иш буюрмаслик, мол-дунёга мағрур бўлмаслик каби инсоний сифатларга, ахлоқий фазилатларга чорловни кўриш мумкин [6:192].

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ижоди ҳам асрлар давомида маърифат, поклик, эзгулик чашмаси бўлиб, инсон маънавий оламининг юксалишида хизмат қилиб келган. Мутафаккир ўз ижоди орқали Қуръони карим, ҳадиси шариф, ислом аҳкомлари ҳамда тасаввуфий истилоҳларни бадий тасвир воситалар асосида атрофлича қаламга олган. Навоий асарларида илгари сурган адолат, саҳийлик, қаноат, вафо, камтарлик, ҳаё, адаб, ростлик каби ахлоқий тушунчалар ва уларга қарама-қарши риё, тамаъ, кибр, адабсизлик каби иллатларнинг бадий ифодаси орқали буюк ижодкорнинг фалсафий мушоҳадаси, тафаккур олами нақадар юксаклигини англаймиз. Хусусан “Ҳамса” асарининг илк ахлоқий-фалсафий достони бўлган “Ҳайрату-л-аброр”да ахлоқий масалаларни қаламга олар экан, илк таърифни “иймон” тушунчаси талқини билан бошлаганини кўрамиз. Ижодкор ахлоқий масалаларнинг асосида иймон тушунчасини кўяди ва инсонийлик асоси бу иймонли бўлишдир, иймонли инсон эса, бу комил инсондир, дейди. Яъни:

Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Билки нишони анга иймон эрур [7:18,60].

Кимда иймоннинг уч белгиси, яъни сабр, шукр ва ҳаё каби ахлоқий сифатлар бўлса, ундай инсонни ҳақиқий, етук инсон, деб билгин дейди. Иймоннинг асосий олти шарти сифатида Ҳақнинг борлигига, фаришталарга, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, киёмат кунига ва тақдири азалга иймон келтиришни айтиб, булар инсонни олти томондан қўрғон каби ҳимоялаши ва нажотга бошлаши ҳамда одамийлик моҳияти ҳамда умр мазмуни ҳам шулар асосига қурилганлигини фалсафий мушоҳадалар, бадиий-эстетик қарашлари орқали изоҳлайди. Ижодкор фикрларини давом эттириб, одамлар кўриши учун яхшилик, саховат қилма, балки эзгулик, инсонийлик нуқтаи назардан хайр қилгин, дейди ва бу йўлда риёкорликни қоралайди. Яъни, риё учун тўқ одамга карам, саховат қўлини чўзма, балки йўқсилга, муҳтожга яхшилик қил. Агар тўқ одамга эҳсон қўлини чўзсанг, бу саховат эмас, балки риёдир:

Ёяр анга супраки, ул оч эмас,
Берур анга тўнки, яланғоч эмас [8].

Дарҳақиқат, ислом маърифатини англаш туйғуси Навоий адабий меросининг асос, ўзагини ташкил этади. Биргина “Ҳайрату-л-аброр” ахлоқий достони эмас, балки “Хамса” асари таркибидаги барча дoston ва лирик меросида ислом маърифатининг юксак ғоялари воқелик баёни, образ ёки образли тасвир воситасида таҳлилга тортилиб, фалсафий-ахлоқий, дидактик қарашлар, инсоний фазилатлар илгари сурилади. Шу асосда, Навоий меросини яхлит тарзда комилликка қўйилган маърифат кўприги, дейиш мумкин.

XVII-XVIII аср ижодкори Сўфи Оллоёр ҳам адабий мероси орқали ислом арконларини тасаввуфий ғоялар вобасталигида қаламга олган. Адиб асарлари орқали ислом маърифатини англашиш, тасаввуфнинг комил инсон, комиллик ғояларини кенг тарғиб этиб, умр мазмуни, тириклик моҳиятидан сабоқ беради. Хусусан илтижоли муножотларда, лирик қаҳрамон ўзини таҳлил қилиши (одатда лирик қаҳрамон шоирнинг ўзи ва бу орқали бошқаларга мурожаат – Л.А.), гуноҳлардан афсусланиш, эзгулик ва Ҳақ муҳаббатидан умидворлик,

покликдан насибадорлик туйғуларига бўлган руҳий интилишни англаш мумкин. Чунончи:

Холиқо!
Қойилман ўз нуқсонима,
Кўб жафо қилдим ўзимни жонима.
Зоти покингдан иноят бўлмаса,
Ҳеч ишончим йўқ амал қилғонима...

Мазкур парчада, лирик қаҳрамон ўз нафсини маломат қилган ҳолда жисмини гуноҳга етаклаган ёмон иллатлардан қутулиш, Яратганга ҳақиқий комил банда бўлиш, ўз борлигида поклик, етуклик, баркамоллик касб этишга бўлган истак бор. Бу ўринда, лирик қаҳрамон ўз нуқсонларини кўра олган, қалби уйғоқ инсон, Яратганга ошиқ бандадир. Ошиқ шоирнинг покликка, эзуликка бўлган интилиши, ислом ғоялари асосида яшашга бўлган истагини куйидаги мисраларда ҳам яққол кўриш мумкин:

Ҳожатим улдур, худоё, по ишим бош
айласанг,

Мунда тавфиқ, онда имонимни йўлдош
айласанг.

Илкима берсанг асои ҳиммат, оғзима сано,
Кўнглим ишқ оташин солсанг, кўзум ёш
айласанг.

Шарқ мумтоз адабиётининг юксак ғоялари ҳам бу Ҳақ ва ҳақиқат асрорини куйлаш ҳамда лирик образ воситасида Яратганга бўлган пок туйғуларини изҳор этишдир. Банданинг ҳожати ҳамиша Ҳақ ва унинг ризолиги бўлган. Ризолик эса, эзгу сифатларни эгаллаш, ўзгаларга яхшиликлар улашиш билан амалга ошади. Дарҳақиқат, Сўфи Оллоёр ҳам Яратгандан тавфиқ сўраш, иймонини йўлдош бўлиши, кўлида мудом ҳиммат асоси, кўнглида эса ишқ оташини жо қилган ҳолда марҳамат ёшларини тилаши замирида покликка, комил инсон сифатларини эгаллашга бўлган истак бордир. Ижодкор Қуръон таълимоти ва Расулуллоҳ (с.а.в.) ўғитларини шеърга солар экан, яхши хулқли инсонгина Аллоҳ файзидан баҳраманд бўлишини эслатади:

Кўнгил ҳақ файзига бўлсин десанг чок,
Ки аввал мартаба хулқингни қил пок [9:70].

Кўнгилни Ҳақ файзи, марҳамати, шафқати, муҳаббати билан тўлдиришни истасанг, энг аввал, гўзал хулқ эгаси бўлгин, дейди. Хулқ гўзаллиги, руҳ поклиги инсонни энг юксак мартабага етказди. Шу жиҳатдан, руҳан пок, гўзал хулқ эгасининг кўнгли мудом

файзга, нурга, марҳаматга лиммо лим бўлади. Инсонийлик моҳияти ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар Бобораҳим Машраб ижодида ҳам ўзига хос услуб ва мажозий тарзда талқин этилганлигини кўриш мумкин.

Оташнафас шоир Бобораҳим Машраб ҳам Ҳаққа ошиқлик, унинг васлидан умидворлик туйғулари ҳамда тавҳид ғоясига бўлган кучли интилишини бадий образ ва тамсиллар воситасида ифодалайди. Хусусан шоир тавҳид ғояси учун маънавий кураш олиб борган илоҳсевар ошиқ образини “жунун”, “жонон”, “ёр”, “май”, “маъшук”, “парвона” каби мажозий тимсоллар воситасида тасвирлайди.

Маълумки, мумтоз адабиётда кўнгилни Каъбага қиёслаш, уни пок тутиш ғояси тараннум этилади. Кўнгил Аллоҳнинг макони, уни пок тутиш эса, руҳий интилиш, изланиш, камолга етишни талаб этади. Шу асосда, Машраб ҳам кўнгил поклигини истайди. Навоий ғазалларидан таъсирланган оташнафас ижодкор куйидаги мисраларда шундай ёзади:

Тавофи олами дил қил жаҳондин ҳар башардин сен,

Агар бир дилни сен бузсанг, юзар Каъба бузулмасму? [10:14].

Яратганининг макони бўлмиш дилларни тавоф қилишни юксак фазилат, олий мақсад, деб билади. Олами дил бўлган инсонлар қалбини ранжитсанг, юз Каъбани вайрон қилган бўлмайсанми, дейди шоир. Ёки аксинча, бир кўнгли шикастани шод қилсанг, Каъбани бунёд қилганчалик савобга муяссар бўласан, дея инсонийликдан сабоқ беради. Бундан кўринадики, кўнгил ва унинг нозик жиҳатларини бор таровати билан куйлаш ғояси муаззам Шарқ ижодиётининг асосини ташкил этган.

ХУЛОСА

Бадий ижодда инсоний муҳаббатдан илоҳий муҳаббатга қараб бориш, руҳий покланиш, умр мазмунини яхшиликлар устига куриш, инсонийлик асосида ҳаёт кечириш каби умуминсоний ғоялар илгари сурилган. Инсонпарварлик -оялари бадий ижоднинг маърифий-ахлоқий мавзуси сифатида тарбиявий аҳамият касб этган. Мумтоз адабиёт эса, ана шу маънавий чашманинг муҳим қисми сифатида инсонийликдан сабоқ бериб, юксак

фазилатларни англатишга хизмат қилган. Зеро, мумтоз асарларда илгари сурилган эзгулик, поклик, тинчлик, бунёдкорлик ғоялари ислом динининг асоси бўлиб, асрлар давомида жамият ва халқ тафаккур оламини бойитиб келган. Бу эса, шахс камолотини шаклланишига, комил инсон ғоясини амалга оширишда муҳим асос вазифасини ўтаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожиб ва унинг “Қутадғу билиг” достони. – Т.: Фан, 1993.
2. Адабиёт // Академик лицейлар учун мажмуа. I китоб // Б.Тўхлиев, Б.Абдурахмонова. // Баёз нашриёти. – Т.: 2015.
3. Адабиёт (мажмуа). // Тузувчилар: Б.Тўхлиев, Б.Абдурахмонова. – Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2007.
4. Раҳимов К. Мовароуннахр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Т.: Akademnashr, 2020.
5. Абдуҳолик Ғиждувоний. Васиятнома. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1993.
6. Азимова Л. Аждодлар мероси – бебаҳо хазина: алломаларнинг илмий ва ижодий мероси // Янги Ўзбекистоннинг истеъдодли ёшлари илмий ишлар тўплами, 3-нашр. – Т.: Таълим нашриёти. 2021.
7. Алишер Навоий. Хамса. Қисқартириб нашрга тайёрловчи А.Ҳожиаҳмедов. – Т.: Янги аср авлоди, 2016.
8. Юсупова Д. “Ҳайрату-л-аброр” достонининг ғоявий бадий хусусиятлари. e-adabiyot.uz.
9. Сироҷиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. 1-қисм. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғарма нашриёти. 2001.
10. Агар ошиқлигим айтсам / Машраб. Тузувчи Э.Очилов. – Т.: Ўзбекистон. 2013.